

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

СОЯ НАВЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИНИНГ ДАВОМИЙЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА УРУҒ ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Б. Х. Норбутаева ¹

Селекция ва уруғчилик лабораторияси мудирлари

Ў. Т. Жуманов ²

Гулистон давлат университети ўқитувчиси

begoyimnorbutayeva@gmail.com

ДДЭ ИТИ Сирдарё илмий тажриба станцияси

Аннотация

Мазкур мақолада Сирдарё вилояти шароитида соя навлари ривожланиш даврларининг давомийлигига экиш муддатлари ва уруғ экиш меъёрларининг таъсири баён этилган бўлиб. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, соянинг Тўмарис Ман-60 нави ўрта муддатда (20.04) уруғ экиш меъёри 333,0 минг дона/га ни ташкил этган вариантда пишиш даврининг давомийлиги 137 кунни ва ўсув даври 127 кунни ташкил этган бўлса, Селекта-302 навида ушбу кўрсаткичлар 134 ва 124 кунга тенг эканлиги аниқланди. Селекта-302 нави Тўмарис Ман-60 навидан 3 кунга эртапишар эканлиги қайд этилди. Фазалар давомийлигига экиш меъёрининг таъсир этганлиги қайд этилди. Эрта экилган вариантга (10.04) нисбатан кеч экилган вариантда (30.04) ўсув даври ўрта ҳисобида 8 кунга қисқарганлиги аниқланди. Уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши ўсув даврининг давомийлигини 2 кунга узайтишига сабаб бўлди.

Калит сўзлар. Ривожланиш даврлари, фазалар давомийлиги, экиш муддати, экиш меъёри, Тўмарис Ман-60, Селекта-302.

Кириш

Маълумки, ҳозирги кунда инсонларни озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, чорвачилик соҳаларининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда[1]. Атмосфера ҳавосининг исиб бориши, суғориладиган экин майдонлари шўрланган, иқлим шароитида сув танқислигининг юзага келиши чорва ва деҳқон фермер хўжаликларининг



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

фаолият олиб боришида муаммоли масалаларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда[2]. Мазкур масаланинг ижобий ечимларидан бири худуднинг табиий иқлим шаротига мос ўсимлик турларини танлаш, уларнинг етиштириш технологияларини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бу ўринда дуккакли дон экинлари биологик, агрономик хусусиятлари билан мазкур масаланинг ечим топишида бевосита хизмат қилади[3].

Дуккакли дон экинларнинг асосий вакили бўлмиш соя, дони ва оқсилдан тўрт юздан ортик турли хил маҳсулотлар тайёрланади ва қишлоқ хужалиги, чорвачилик, озиқ-овқат саноатида кенг ишлатилмоқда. Кейинги йилларда Республикамизда соя ўсимлигини етиштиришга катта аҳамият берилмоқда[4]. Соянинг ўсув даври куйидаги: униб чиқиш, учталик барг ҳосил қилиш, шоналаш, гуллаш, дуккаклаш ва пишиш каби фазалардан иборат. Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг фазалар давомийлигига таъсири бўйича маълумотлар **1-жадвалда** келтирилган. Тўмарис Ман-60 нави 10 апрелда ва уруғ экиш меъёри 278,0 минг дона/га ни ташкил этган вариантда экилганида униб чиқиш учун 11 кун сарфланганлиги аниқланди. Айнан шундай натижа уруғ экиш меъёри 333,0 ва 417,0 минг дона/га ни ташкил этганида ҳам қайд этилди. Учталик барг ҳосил қилишгача давомийлик барча экиш меъёри учун 19 кунни ташкил этди. Шоналаш фазасигача давомийлик уруғ экиш меъёри 278,0 минг дона/га бўлганида 31 кунни, 333,0 минг дона/га га тенг бўлганида 32 кунни ва 417,0 минг дона/га бўлганида 33 кунни ташкил этди. Гуллашгача давомийлик уруғ экиш меъёрларига тегишли равишда 42, 43 ва 44 кунга тенг эканлиги аниқланди. Дуккаклаш фазасигача давомийлик уруғ экиш меъёри 278,0 минг дона/га бўлганида 54 кунга тенг бўлган бўлса, 333,0 минг дона/га ни ташкил этиганида -56 кунни ва уруғ экиш меъёри 417,0 минг дона/га ни ташкил этганида эса- 57 кунга тенг бўлди. Пишиш фазасигача давомийлик тегишли равишда 140, 142 ва 144 кунни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу маълумотлардан, эрта экилган муддатда (10.04) пишиш даврига қадар уруғ экиш меъёрининг таъсир этганлиги қайд этилди. Бундай натижа ўсув даврининг давомийлиги бўйича ҳам қайд этилди. Уруғ экиш меъёрига боғлиқ бўлган ҳолда ўсув даври 129, 131 ва 133 кунга тенг эканлиги аниқланди.

Юқоридаги маълумотлардан, соя навлари эрта муддатда (10 апрелда) экилганида шоналаш фазасидан бошлаб уруғ экиш меъёрининг таъсири қайд этилди. Уруғ экиш меъёри 278,0 минг дона/га ни ташкил этганида пишиш



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

фазаси учун 140 кун сарфланган бўлса, уруғ экиш меъёри 333,0 минг дона/га ни ташкил этганида пишиш фазаси 2 кунга узайган бўлса 417,0 минг дона/га ни ташкил этган вариантда 4 кунга узайганлиги аниқланди.

Тўмарис Ман-60 нави 20 апрелда экилганида униб чиқиш учун 10 кун, 3 талик барг ҳосил қилиши учун 17 кун сарфланганлигини аниқланди. Шоналаш фазасидан бошлаб уруғ экиш меъёрининг фазалар давомийлигига таъсири кузатила бошлади. Пишиш фазасида уруғ экиш меъёрларининг таъсири аниқ кўриниш берди. Ушбу муддатда уруғ экиш меъёри 278,0 минг дона/га ни ташкил этганида пишиш фазасигача давомийлик 135 кунни , 333.0 минг дона/га ни ташкил этганида 137 кунни ва уруғ экиш меъёри 417,0 минг дона/га га тенг бўлганида 139 кунни ташкил этди. Ушбу маълумотларни уруғ экиш муддати 10 апрелда олинган натижалар билан таққослаганимизда пишиш даврининг давомийлиги 5 кунга ва ўсув даврининг давомийлиги эса 4 кунга қисқарганлиги қайд этилди.

Тўмарис Ман-60 нави 30 апрелда экилганида униб чиқиш фазасининг давомийлиги 9 кунни ташкил этди. Бу эрта ва ўрта муддатда экилган вариантларга нисбатан 2 кунга ва ўрта муддатга нисбатан эса 1 кунга қисқарганлиги аниқланди. Учталиқ барг ҳосил бўлиш фазасигача давомийлик 16 кунни ташкил этди. Мазкур экиш муддатида ҳам бошқа экиш муддатларида қайд этилганидек шоналаш фазасидан бошлаб фазалар давомийлигига уруғ экиш меъёрлари ва муддатларининг таъсири кузатилди. Пишиш фазасининг давомийлиги уруғ экиш меъёри 278,0 минг дона/га ни ташкил этганида 130 кунни ташкил этган бўлса, 333,0 минг дона/га га тенг бўлганида 132 кунни ва 417,0 минг дона/га га тенг бўлганида 134 кунга тенг бўлган бўлса, ўсув даврининг давомийлиги тегишли равишда 121, 123 ва 125 кунга тенг эканлиги қайд этилди.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, соянинг Тўмарис Ман-60 нави ўрта муддатда (20 апрелда) экилганида эрта муддатда (10.04) ва уруғ экиш меъёри 278,0 минг дона/га бўлган вариантга нисбатан 5 кунга пишиш даври қисқарганлиги қайд этилди. Мазкур нав 30 апрелда экилганида эса эрта экилган муддатга нисбатан 10 кунга, ўрта муддатга (20.04) нисбатан 5 кунга пишиш даври қисқарганлиги аниқланди. Бу ўз навбатида ўсув даврига ҳам таъсир этди. Кеч экилган вариантда эрта муддатга нисбатан 8 кунга ва ўрта муддатга нисбатан 4 кунга ўсув даври қисқарганлиги кузатилди.

Уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши бориши билан шоналаш фазасидан бошлаб таъсири кузатилди, айниқса, дуккаклаш ва пишиш фазаларида аниқ намаён бўлиб, ўрта ҳисобда 2 кунни ташкил этди. Экиш



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

муддатларининг фазалар давомийлигига таъсири уруғ экиш меъёрига нисбатан кучли бўлиб 5 кунга тенг эканлиги қайд этилди.

Соянинг Селекта-302 нави эрта муддатда (10.04) униб чиқиш фазасининг давомийлиги 11 кунни, учталиқ барг ҳосил бўлиш фазасигача давомийлик 19 кунга тенг эканлиги қайд этилди. Мазкур муддатда уруғ экиш меъёри 278,0 минг дона/га ни ташкил этганида пишиш фазасининг давомийлиги 137 кунни, 333,0 минг дона/га га тенг бўлганида 139 кунни ва 417,0 минг донани ташкил этганида 141 кунни ташкил этган бўлса, тегишли равишда ўсув даврининг давомийлиги 126, 128 ва 130 кунга тенг эканлиги аниқланди. Ушбу маълумотлардан, уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши фазалар давомийлигини 2 кунга узайтирганлиги қайд этилди.

Мазкур нав 20 апрелда экилганида уруғ экиш меъёрига (278,0, 333,0 ва 417,0 минг дона/га) боғлиқ бўлган ҳолда пишиш даврининг давомийлиги 132, 134 ва 136 кунни ҳамда ўсув даврининг давомийлиги 122, 124 ва 126 кунга тенг эканлиги қайд этилди. Ушбу маълумотларни эрта экилган вариантлар билан солиштирганимизда пишиш фазаси 5 кунга ва ўсув даври 4 кунга қисқарганлиги қайд этилди.

1-жадвал Соя навлари ривожланиш даврларининг давомийлигига экиш муддатлари ва уруғ экиш меъёрларининг таъсири. (2022й.)

№	Навларнинг номи	Уруғ экиш меъёри, минг туп/га	Уруғ экиш муддатлари	Фазалар давомийлиги, кун ҳисобида						
				униб чиқиш	3 талиқ барг ҳосил бўлиш	шонала ш	гуллаш	дукка к лаш	пиши ш	ўсув даври
1	Тўмарис Ман-60	10.04.22й	278,0	11	19	31	42	54	140	129
2			333,0	11	19	32	43	56	142	131
3			417,0	11	19	33	44	57	144	133
4		20.04.22й	278,0	10	17	29	40	52	135	125
5			333,0	10	17	30	41	54	137	127
6			417,0	10	17	31	42	55	139	129
7		30.04.22й	278,0	9	16	28	39	51	130	121
8			333,0	9	16	29	40	53	132	123
9			417,0	9	16	30	41	54	134	125
10	Селекта-302	10.04.22й	278,0	11	19	31	42	54	137	126
11			333,0	11	19	32	43	56	139	128
12			417,0	11	19	33	44	57	141	130
13		20.04.22й	278,0	10	17	29	40	52	132	122
14			333,0	10	17	30	41	54	134	124
15			417,0	10	17	31	42	55	136	126
16		30.04.22й	278,0	9	16	28	39	51	127	118
17			333,0	9	16	29	40	53	129	120
18			417,0	9	16	30	41	54	131	122



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th February, 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Мазкур нав 30 апрелда экилганида пишиш фазасининг давомийлиги уруф экиш меъёрларига боғлиқ бўлган ҳолда (278,0; 333,0 ва 417,0 минг дона/га) 127, 129 ва 131 кунни ташкил этган бўлса, ўсув даврининг давомийлиги 118, 120 ва 122 кунга тенг эканлиги қайд этилди. Соянинг Селекта-302 нави 30 апрелда экилганида эрта муддатга нисбатан пишиш даврининг давомийлиги 10 кунга ва ўсув даврининг давомийлиги 8 кунга, 20 апрелда экилган вариантга нисбатан тегишли равишда 5 ва 4 кунга қисқарганлиги аниқланди.

Умуман олганда, соянинг Тўмарис Ман-60 нави ўрта муддатда (20.04) уруф экиш меъёри 333,0 минг дона/га ни ташкил этган вариантда пишиш даврининг давомийлиги 137 кунни ва ўсув даври 127 кунни ташкил этган бўлса, Селекта-302 навида ушбу кўрсаткичлар 134 ва 124 кунга тенг эканлиги аниқланди. Селекта-302 нави Тўмарис Ман-60 навидан 3 кунга эртапишар эканлиги қайд этилди. Фазалар давомийлигига экиш меъёрининг таъсир этганлиги қайд этилди. Эрта экилган вариантга (10.04) нисбатан кеч экилган вариантда (30.04) ўсув даври ўрта ҳисобида 8 кунга қисқарганлиги аниқланди. Уруф экиш меъёрининг ортиб бориши ўсув даврининг давомийлигини 2 кунга узайишига сабаб бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сиддиқов Р., Эгамов И., Маннапова М., Якубов З. //Ўзбекистонда соя ўсимлигини асосий ҳамда такрорий қилиб ўстириш агротехнологияси бўйича тавсиянома. - Андижон, 2017. -4 б.
2. Кулиев.Т.К., Кушиев Х., Жуманов У., Кенжаев А., Журабоева М., //Численный подход в анализе генотипов растений.- Международный центр научного сотурудничества Современные проблемы науки, общества и обривования. “Наука и просвещение” Пенза.2022г, 21-25 с.
3. У.Жуманов, Х.Кушиев,Т.Кулиев, М.Журабоева. Количество пигментов у генотипов озимой пшеницы. // Международный центр научного сотурудничества Фундаментальные и прикладные научные исследования “Наука и просвещение” Пенза. 2022г. 15-18 с.
4. Х.Ш. Тарчоков, Ф.Х. Бжинаев. Некоторые эколого-биологические основы технологии выращивания сои в условиях степной зоны КБР Известия Кабардино-Балкарского научного центра РАН № 1 (93) 2020.с-88-95.

